

Ду.абар
Х.АҒҖИД.ҒРОВА

КУЖУМА
БОҒУ


Шеърлар

«Зарқалым» нәтижети

74(59)6-5 Ёрдиний 2-даража
Шеърлар.

Дилбар Ҳайдарова (Дилбар бону)ни ушлаб
китобларини ўқигансиз, гузал сатрларини
диллингизга жо қилгансиз. Гоҳ дарёдай жушқин,
гоҳ мажнунтолдай гўзал, маҳзун шеърлари
билан диллингизни забт этувчи кунга
бушлиқларингизни тўлдирувчи шоира бу
сафар ҳам янги китоби билан ҳузурингизда.

1031934
0



НАМАНГАН МАДҲИ

Бизга насиб этмиш кўнгил осмонлиғ,
Гуллаб ётган тупроқ учун посбонлиғ,
Наманганим сизга доим омонлиғ,
Гирдини тоғлари ўраган диёр,
Аҳли донишларин сўраган диёр.

Чаманида гуллар ёнади там-там,
Сахиилигидан лол бўлади хотам,
Мингта шоир ёзса Наманганга кам,
Дарёдан белбоғлар ўраган диёр,
Машраб соғинганда сўраган диёр.

Жаннатмакон юртим адолари кўп,
Уни кўрмоққа зор гадолари кўп,
Наманган сўзининг садолари кўп,
Борини гулларга ўраган диёр,
Бобур болаликдан сўраган диёр.

Йигитлар бошида Чустнинг дўпписи,
Келия рўмолида гулларнинг иси,
Булбул сайрарверар Наманган деса,
Даласин боғлари ўраган диёр,
Олмасин харидор сўраган диёр.

Водийнинг гўзали тиллоқошидир,
Гуллар юрти гуллар доим ёшидир,
Норин, Сир бағрида сувнинг бошидир,
Водийни гулларга ўраган диёр,
Бир келган меҳмони сўраган диёр.

Тандирдан узилган кулчаю ноним,
Дала, тузинг, боғинг тоғинг ҳам шоним,
Менинг Наманганим, Наманган-жоним,
Дилбарни меҳрга ўраган диёр,
Қиёсин дунёлар сўраган диёр.

ШОИР УЧУН

Шоир учун минг йил аввал яшамоқ нима,
Унга осон яна минг йил олдинлаб кетмоқ.
Узуи тунлар замон дардин қилиб таржима,
Қалам билан етолмаган орзуга етмоқ.

Шоир учун даврон надир, шон надир,
Ҳақ йўлида бир кун бошин тутар сиртмоққа,
Агар кўнгли ўсса осмон қадар ўсадир,
У кун ҳофиз бўлар дил торини чертмоққа.

Ватан учун Нодирадай тикка бош тутар,
Ё Увайсий замонидан безиб солар дод.
Қаттол дунё Усмониға қонли ёш тутар,
Чўлпон олдда кетиб борар бўғзида фарёд.

Шоир халқдан ё илгари олдга кетарлар,
Ё орқада қолиб, йиғлаб тарихни титар.
Ё Машрабдай куйиб, бир кун ҳаққа етарлар
Ё Бобурдай тахтада соғинч, номалар битар.

Шоир учун дунё асли чидам, бардошдир,
Баъзан ғамгин, баъзан ўктам унинг хитоби,
Қаламидан тўкилган сўз асли қуёшдир,
Қўлдан-қўлга ўтиб борар бир кун китоби.

ЯНГИ ЙИЛ ҚЎШИҒИ

Қиш чилласи қиличини қайраб турар,
Оппоқ қордан бола кўнглим яйраб турар,
Дил қушларим ушбу нафас сайраб турар,
Янги йилим яхшиликдан қил каромат,
Ватандошлар доим бўлгай соғ-саломат.

Бу йил Ватан хирмонлари тоғдан ошсин,
Бугдойзордан келаётган укам шошсин,
Дилда меҳр булоқлари тўлиб тошсин,
Янги йилим келишингда сир-синоат,
Кекса онам етиб келгай соғ-саломат.

Сизга айтсам асли дунё бевафодир,
Ошиқларга тақдим бўлган бир жафодир,
Яна кимга лак-лак бойлик, кайф-сафодир,
Янги йилим келса бўлгай бир аломат,
Дўсту ёрим доим бўлгай соғ-саломат.

Бу дам дамдир ўзгасини дам демайлик,
Қаноатим бошқалардан кам демайлик,
Ватан деган сўздан бошқа ғам емайлик,
Янги йилим келтиравер зўр саодат,
Болаларим ўсиб унгай соғ-саломат.

Беморларга ширин сўзла шифо тила,
Ҳақиқатга тарози бўл инсоф тила,
Лойларда ҳам ялтирайди асл тилла,
Янги йилим сен покликсан, сан адолат,
Тинчлик билан бахтга қарай соғ-саломат.

Гар суюнасак орқамизда тоғимиз бор,
Гул истасак гулга тула боғимиз бор,
Булбул кўпдир орамизда зоғимиз бор,
Янги йилим кўнгилларга бер ҳаловат,
Кучоқ очиб кўришайлик соғ-саломат.

ИТОАТДИР

Ота улуғ бир зотдир, кўзларига тик боқма,
Отанг қошидасан гар беизн киприк қоқма,
Оқил фарзанд зрурсан, меҳрини доим оқла,
Отага итоатинг-тангрига итоатдир.

Сани бир содда она туққанини унутма,
Гоҳи сен учун озор чекқанини унутма,
Жаннат она пойида эканини унутма,
Онага итоатинг, ҳамиша ижобатдир.

Ота-онанг пайдоринг, доимо ёдингда тут,
Меҳрибонлар меҳрини, ҳам қишу ёзингда тут,
Ўз ҳолингга яраша кўпми ё озингда тут,
Уларга итоатинг тангрига итоатдир.

Ота-онангни асра, дилидаги чироғ бўл,
Ёмонга ёндошмагин, ёмонлардан йироқ бўл,
Сен тангрига сажда қил, янада яхшироқ бўл,
Сенинг ҳар ибодатинг – тангрига итоатдир.

ҚҰЛИМГА

Ўнгинг билан ўнни олиб,
Бирни чапда бермайсан.
Эганг юрган доим ғолиб,
Сен ердан тош термайсан.

Дунё тўла сенга лойиқ,
Тилла, кумуш, олмос бор
Эгангни кўп суйган холиқ,
Душманига қилмас хор.

Она ердан риск ундириб,
Топган нонинг ҳалолдир.
Ёмонликлар сенга фириб,
Қинғир ишлар малолдир.

Яхшиликка кўтарилиб,
Берадурсан сен овоз.
Қувончингдан гоҳ ёрилиб,
Сенга куйлар минг хил соз.

Бармоқларинг силаб суйган,
Менинг райҳон, жамбилим.
Сен кўтарсанг меҳр туйган,
Болаларим сумбулим.

Онамнинг оқ сочларини,
Ўзинг ювиб тарайсан.
Гудак борки очларини,
Боқмоққа сен ярайсан.

Йиқилганда эганг ногоҳ,
Тоғдай суяш вазифанг.
Ҳар қадамда бўлгин огоҳ,
Эганг асли заифа.

Сен бурчлисан ҳар бир ишни,
Жой-жойига қўйишча.
Дўстсиз келган ёзу-қишни,
Яхшиликка йўйишга.

Бу дунёвий хатоларга,
Яхшиликни экасан.
Қоғозлару матоларга,
Кашта қилиб тикасан.

Бу оламнинг йиртиғини,
Сен ҳар куни ямайсан.
Душман келса сен тигини,
Кўриб, иллоҳ қалтирамайсан.

ДАВЛАТИМСИЗ ОНАЖОН

Тўй-ҳашамлар сизга маҳтал,
Савлатимсиз онажон,
Аслзодам рўзи азал,
Давлатимсиз, онажон.

Оёгингиз ерга тегса,
Ер кўтариб гуллагай.
Мева сизга шоҳин эгса,
Дарахт қайта гуллагай.

Шарқираган сойим онам,
Чиройлигим жон онам,
Осмондаги ойим онам,
Яхшиликка кон онам.

Итоатгўй онажоним,
Изингизда маҳталмиз,
Ибодатгўй онажоним,
Қачон сизга ўхшармиз.

Она деймиз уйга кирсак,
Чиқсак хайр, онажон.
Доим бола бўлиб юрсак,
Қилсак сайр, онажон.

Давлатимсиз, онажон
Савлатимсиз, онажон.

МЕНИНГ ОНАМ

Дунёдаин кекса онам,
Кўкда ойга чехра онам,
Чидолмайман кетса онам,
Жоним онам, шоним онам.

Елкалари тоғ кўтарар,
Унга бирдай фойда, зарар,
Яраларимни биткарар,
Ойим онам, куним онам.

Қўлларида пилта сават,
Бизга тутган доим шарбат,
Биз бўлдикми лойиқ фарзанд,
Кулиб турар менинг онам.

Олма емас карсиллатиб,
Сўзи латиф, ўзи латиф,
Ҳамма билан тенг тиллашиб,
Кулиб қўяр менинг онам.

Кўзи тўқим, бойим онам,
Кийган атлас шойим онам,
Доим олар ёним онам,
Йўлларимга зорим онам.

Дўсти эмас тилла, кумуш,
Амри вожиб ҳар-бир юмуш,
Меҳрдан дер, гўзал турмуш,
Дейди менинг доно онам.

ОНА

Она тобингиз қочса юрагим увишади,
Бутун дунё жунжикиб ҳаво ҳам совий бошлар.
Маъюсланар эски уй, ўчоқда ўт ўчади,
Ўтган кунга осилиб, кўзимда қалқир ёшлар.

Офтобли кун қисқариб узаяди тун узун,
Эшик деразалар ҳам оғирлашиб ёпилар.
Онажон, доим қараб туrolмаган мен ўзим,
Кўксимдан ўксик, ўксик минг оғриқлар отилар.

Отам эккан дарахтлар ё мевадан қолдими,
Богимизни оралаб юришингиз камаиди.
Тўқсонга кетган оёқ шунча юриб толдими,
Қаттиқ ерни қайириб юришингиз камаиди.

Отамдан қолган ҳовли, сиз биландир гулистон,
Ёнғоқ тагида юринг кўйлагингиз ер ўпиб.
Бир кун куринмасангиз сизсиз дунё зимистон,
Онам бор деб юрибмиз, ҳар томонда тер тукиб.

Сизсиз бу дунё ғариб, холим бўлади хароб,
Она борим-йўғимсиз кўрсам кўрар кузимиз.
Этагингизни тутиб борсам йўл йиглар ераб,
Бетобин, кексагинам, қандоқ қилай ўзимсиз.

СЎНГГИ ҚАЛАМ

*Усмон Носирни оёқларини
совуқ уриб, кесиб ташлаш-
ганида, у кесилган дарахт
устида шеър ўқир экан.*

Музлик диёрида уйғоқ бу шоир,
Қуёшли ватандан айтар ҳикоя.
Нозирлар, жаллодлар туришар қойил,
Оқбадан қайинлар қилур ҳимоя.

Она тупрогини суйган шоирим,
Энди унга қайта қўёлмас оёқ.
Жони, дили, бори куйган шоирим,
Соғинчини куйлаб қилади маёқ.

Шаҳдам одимлаган оёқлари йўқ,
Совуқ уриб борар икки қўлларин.
Хиёнат қуллари қиладилар дўқ,
Шоир айтаверар саҳро, чўлларин.

Олис-олисларда қуёшли юрт бор,
Гўзал нозанинлар кутишар илҳақ.
Мунгли онаси бор, дўст безътибор,
Кўнгил ичра яшар йиғлаган ҳилқат.

Шоир айтиб қила олмайди тамом,
Лабларидан учар соғинч қушлари.
Шоир музлаётир энг сўнгги калом,
Она, Ватан, шеърим сўнгги тушларим.
Хайр...

Душманнинг ўқи тегди бехато,
Чап кўксимдан шарра қон оқар.
Кўтаролмай синар суяккача то,
Ишонган тоғларим ҳайрона боқар.

Мен суянган тоғлар ерга сингади,
Довул дўлга учрар ўстирганим боғ.
Билмадим ҳолимни нега менгзади,
Атрофда кўринмас ҳатто бирор зоғ.

Ёзим лахча чўғдир, кузим совутар,
Асли қон ёруғлик, у ҳам бизга тан.
Гирдимда парвона қизим овутар,
Айтаманки, қайта турмоқ менга шан.

Биби Фотимадан сўрайман қувват,
Кўзимда Увайсий кўзин ёшлари.
Кўзимдан ўтади кўзимда суврат,
Устоз Нодиранинг кесик бошлари.

Қон юқи қиличин суғуриб қиндан,
Тўмарис беради гурур хундан дарс.
Турмоққа чорларлар узоқ яқиндан,
Ичимда уйғонур, мудраган йўлбарс.

Сиздай бойликка ўч бўлолмадим йўқ,
Сизнинг олдингизда бир сарпоёқман.
Ҳою-ҳавасларга асли кўзим тўқ,
Қалби бойлар ичра ёнган маёқман.

Сизнинг юзингизда нега хавотир,
Эгри туриб тўғри сўз айтар эсам.
Ичимга фарёдлар кўмилаётир,
Баъзан ноҳақликка сўзсиз чидасам.

Менинг босган ерим куйдиради чўғ,
Сиз сояда олинг мукофот, ёрлик.
Сиздай яшамоққа менинг ҳаққим йўқ,
Сиздай гуллаш, менга бахти қаролиғ.

Сизни эсламайман, дилимни ғашлаб,
Ҳамон тоза тутгум, тоза халқумни.
Кўзимнинг ёшини сидириб ташлаб,
Куйлаб яшайвергум содда халқимни.

АҲД

Гулдай ўсиб чиқдим, бош кўтардим шаҳд,
Томирларим атай чопсада кимдир.
Кўёшга интилмоқ, менга гўзал аҳд,
Ҳар жойдан яхшилик топиб бир чимдим.

Гуркиради кетди кесилган шохлар,
Дарахтнинг шохида яна гулладим.
Бир хоин дастидан тоғдан қуладим,
Яна асрадилар содиқ ўртоқлар.

Менга бош кўтармоқ унмоқ одатдир,
Раҳмим келар пастда қолган ганимга.
Дўстларим кўплиги зўр саодатдир,
Бир-бир сўз айтшар менинг шанимга.

Дўстларим корига, Ватан корига,
Ярамоқ одатим, ярамоқ бахтим.
Айланиб элимнинг хизматкорига
Яхшилик ишқида яшамоқ аҳдим.

Гулдай ўсиб чиқдим, бош кўтардим шаҳд,
Бошимни тик тутмоқ боболардан аҳд.

САЙЁРАГА

Амунинг шўхлигиман,
Қизларнинг кўхлигиман,
Кўнгилнинг тўқлигиман,
Мен Бойсуннинг қизиман,

Элимнинг булбулиман,
Кўхикофнинг садоси,
Муҳаббатнинг адоси,
Яхшиликнинг гадоси,
Мен Бойсуннинг гулиман,
Элимнинг булбулиман.

Париси бор тоғданман,
Илдизли буюғданман,
Бағри сузон боғданман,
Мен Бойсуннинг гулиман,
Элимнинг булбулиман.

Даштга тушса ои нури,
Дилда отлар дугури,
Соғинч келар гулуриб,
Мен Бойсуннинг гулиман,
Элимнинг булбулиман.

Шаршараман жушаман,
Ишқингга ишқ қўшаман,
Билсанг ўша-ўшаман,
Мен Бойсуннинг гулиман,
Элимнинг булбулиман.

БАХТИЁРГА

Асли осон эмас бахтиёр бўлмоқ,
Тарихни варақлаб ўқиб куну-тун.
Қийин бўлар ярим кўнгилга тўлмоқ,
Ва ҳақиқат гардин артмоқлик бутун.

Ҳақиқатни ёзинг, сингунча қалам,
Йилларнинг беомон каж дафтарига.
Кўзингизда ғазаб қилдими алам,
Тарихнинг минг йиллик кажрафторига.

Куйлагингиз оппоқ имонингиз пок,
Лойлардан ўтасиз қандаям гардсиз.
Дунё ишларидан юрагингиз чок,
Ҳар қандай оғриққа сиз ҳам ҳамдardсиз.

Томингизга чиқса баҳор лоласи,
Элдан олдин туриб сиз ёндингизми?
Юксакларда ўсган тоғнинг боласи,
Пасроққа тушишга ўргандингизми?

Олисга термулган кўзларингизда,
Тарихнинг минг йиллик сирлари аён.
Кулгулар аралаш сўзларингизда,
Юрак оғриқларин қиласиз баён.
Шундай, осон эмас Бахтиёр бўлмоқ.

ОҲКИ ОНАМНИ КЎРСАМ...

Онамга боролмасам ёғоч бўлиб қурирман,
Менинг синиқ юрагим ситамларнинг ватани.
Оҳки, онамни кўрсам симоб бўлиб эрирман,
Меҳрибоним бағрида гулга айланар таним.

Онамни оёғига бошимни қўйсам бугун,
Жаннатнинг ҳидларидан кўзларимга ёш келди.
Дунёларни унутдим гамни унутдим бутун,
Онамга сиғингани кўкдаги қуёш келди.

Умрига вафо тилаб неки яхши тутурман,
Бевақт мени йиғлатиб йўлга қаратмас онам...
Иншооллоҳ, меҳрига қониб, қониб ўтурман,
Кўнгли ёш боласини эрта қаритмас онам.

ТУРҒУН АЛИМАТНИНГ БАРМОҒИ

Турғун Алиматнинг кўнгли бунча ёш,
Дунёни гулларга ўраб қўяди.
Симлар беролмаса ишқига бардош,
Танбур қулогини бураб қўяди.


Оҳанглари ичра шодликлар оқар,
Одам йўқотганин топар ахтариб.
Агарки саслари ғамдан гул тақар,
Дунёнинг сочлари кетар оқариб.

Оқ сочли дунёнинг кўзларида ёш
Танбур симларини аламда қайрар
Ва гўзал сасларга тўлиб кетар Шош
Турғун Алиматнинг бармоғи сайрар.

ТАНБУР

Жонимга жон ато қилади танбур,
Ғамимни ҳам сато қилади танбур.

Ишқининг олови куйдирди мани,
Ўтда ёқиб хато қилади танбур.



У кун изҳорини рад этган эдим,
Соғинчида адо қилади танбур.

Муҳаббат богида шоҳ эди дилим,
Биёбонда гадо қилади танбур.

Дардимни айтарга бирорта соғ йўқ
Билмай кайфу-сафо қилади танбур.

Хаста Дилбар йиглар билмадим қачон
Ваъдасига вафо қилади танбур.

Кўзим ёши тиниб бўлди,
Дил ойнаси синиб бўлди,
Кўнгилга ғам иниб бўлди,
Энди шодлик бўлолмасиз.

Кўкни суйган барг сарғайди,
Баҳор ёз, куз ҳам ўзгарди,
Юракда минг алам дарди,
Ҳузуримда кулолмасиз.

Ёмғир ёғар бўлиб бир дор,
Дарё бунча бўлди бедор,
Вафосизлар бунча беор,
Дил торини улолмасиз.

Ўтиб юрманг кўчамдан ҳам
Уйқу учган кечамдан ҳам
Даркори йўқ сиздай ҳамдам
Биз томонга келолмасиз.

Мен аниқ биламан энди келмассиз,
Келар йўлингизга тош отиб бўлдим.
Изларимдан яна учиб, елмассиз,
Сизга қайрилмасман тош қотиб бўлдим.

Билганим шу айна ҳисоб-китоблар,
Бир кун сизни шартта қилади тамом.
Энди тингламасман сохта хитоблар,
Тошга айланганман бўлмайман сомон.

Менинг қон бағримда ўсган қизил гул,
Дунёнгизни қилур бир кун қип-қизил.
Тош юрак ичида сайрайди булбул,
Бироқ сиз томонга бурмасман юзим.

ҲАЙРОНЛИК

Сиз налятган найга айлансам,
Лабларингиз кетмасми куйиб.
Осмондаги ойга айлансам,
Бегоналар қолмасми суйиб.

Сиз ўтган йўлларга айлансам,
Сиздан қолиб кетмоқлик оғир.
Бор-эй, деб чўлларга айлансам,
Куйсангиз чидамас ҳеч бағир.

БУ ИШҚ

Бугун излаб кўнгил, кўнгил роҳатин,
Дашту-биёбонда куйди товоним.
Шу ишқ экан асли кўнгил офати,
Осмоним ёритмас моҳи тобоним.

Билолмадим унинг недир нияти,
Энди менга ҳамроҳ қазойи ишқ.
Ўзгаради шунча тез кайфияти,
Йўл ярмида мен ҳам сазойи ишқ.

Дилим осмонининг ферузаси у,
Унга қарамасам синади ҳилол.
Шароби қалқиган ишқ кўзаси у,
Унга лабим тутсам дудоғимдир ол.

Бу ишқ гоҳи менга кийдиради зар,
Садоқатим учун берганича тан.
Бир кун ғами билан дилимни безар,
Менинг юрагимдир шу ишққа ватан.

Бу ишқ сўзлатади минг лаҳжасида,
Мен ҳам ёд қиламан мингта қуш тилин.
Баъзан соғинч, алам исканжасида,
Ўзини осади бечора дилим.

Мен уни сўзласам, сўзим бўлар бол,
Ҳар лаҳза кўзимда унинг суврати.
Унинг орзусида топаман иқбол,
Тоғдай ўсаверар ишқнинг қудрати.

ҚАЙРИЛСАНГИЗ

Қайрилсангиз минг-минг қизлар соч тарайди,
Ки қайдаки кўнгли осмон пастга тушар.
Қайрилсангиз қошингиздай қош қарайди,
Тоғда учган оҳулар ҳам қасдга тушар.

Қайрилсангиз қирқ бўлакка бўлинар жон
Қизил гулдай юзларимни ловуллатар.
Қайрилсангиз томиримда гупурар қон,
Кўнглимдаги дарёйимни шовуллатар.

Қайрилсангиз киприкларда томчи пайдо,
Юлдуз бўлиб тўкилади пойингизга.
Ҳамма сизга мендай мафтун, мендай шайдо,
Бир кун ўзим айланаман ойингизга.

Қайрилсангиз жон кетади тизларимдан,
Қошингизда ҳушларимдан айриламан.
Кўклам гулин сепиб ташлар изларимдан,
Мен тайрилсам кўйингизда тайриламан.

Қайрилсангиз тўртта фаслим кўкламники,
Ҳаммасини тикдим сизнинг довингизга.
Етмиш минглик тилак сиздай ўктамники,
Омад бўлиб дўнадирман овингизга.

ОСМОН

Осмон, бунча йиғлайвердинг кўзингда ёш,
Ёмғирингдай тўкилади менинг дилим.
Қайда қолди кўксингдаги олов қуёш,
Энди қачон очилади менинг гулим.

Осмон қачон очилади юлдузларинг,
Кўзларимни тўлдиради ой шуъласи.
Тоқингдаки ой ухлайди кундузларинг,
Ҳофиз дунё бошлаб қолар ашуласин.

Осмон сендай йиғлоқидир менинг кўзим,
Соғинчларим тўкилади бўлиб кўл-кўл.
Осмон, дилим осмонликда сенинг ўзинг
Йиғламаса бутун дунё бўлади чўл.

Осмон ерга оқаяпсан томиб-томиб,
Сен тупроқни севасанми жон-жонингдан.
Дарё бўлиб чопаяпсан ўзинг ғолиб,
Севаман деб кўнглим чопар ўнг ёнингдан.

Осмон бўлиб йиғлайверар менинг дилим
Атиргулга айланади бир кун гилим.

ЯНА

Сиз билмас дунёларга •
азиз меҳмонман яна,
Куйганга сув тутгувчи
ташна мешкобман яна,

Ҳотамнинг қўлидаги
тоза эҳсонман яна,
Ҳижрон ўтида куйиб,
куйиб омонман яна,
Бировнинг кўчасида
ранги сомонман яна.

Ўт бўлди сўнганларим,
киприklarимда ёш бор,
Кулманг сўздан адашсам
хаёлимда бебош бор,
Кечаларим ёритган
кўксимда бир қуёш бор,
Бировнинг кўчасида
ранги сомонман яна,
Бир ширин сўзи учун
яна қурбонман яна.

Тунда юлдузга ошно,
кундуз уни изларман,
Излаб топмаган замон
хаёлини сизларман,
Соғинчига бош қўйиб,
соғинчига тизларман,
Бир адашган кўнгилга
қайта сарбонам яна,
Бир қиё боқишига
яна қурбонам яна.

Куйиб, ёниб кул бўлдим,
кўнглига йўл топмадим,

Куйдиму саҳросида
 бундаин чўл топмадим,
Кўл, кўл, бўлди кўз ёшим,
 тоза бир кўл топмадим,
Бу ишқнинг саҳросида,
 куйиб омонман яна,
Бировнинг кўчасида,
 ранги сомонман яна.

ТЎЗИМ

Етти иқлим соғинчиман
 етти иқлим гули ўзим,
Гар вафода ул шоҳ эса
 сабрсизга бўлгум тўзим.
Менинг ёқам чок-чокдир
 дилим кушлари ҳалокдир,
Агар вафо сўрар эрса
 шоҳисидан ўтар бўзим.
Кўнгил ғуборин ювмоққа
 етар кўзимнинг ёшлари,
Кулиб қиё боқар эрса
 чашмага айланар кўзим.
Дил осмонин юлдузи ул
 ойи ўшал вафоси йўқ,
Минг сўзонга минг дарс эзур
 у келганда айтар сўзим.
Шовқинламай оқур дарё,
 ой жамолига маҳлиё,

Тунларим ёришгайдур
гар келсалар курар кузим.
Етти иқлим соғинчиман
етти иқлим гули ўзим,
Вафосиздан вафо кутган
Дилбарга сиз тиланг тузим.

МУҲАББАТ

Сени излаб келар баҳор келади ёз,
Сени курсам борлигимдан таралар ноз
Ишқ ўтида ёнаман боз, кўяман боз
Пешонангга ёзилган шу муҳаббатман.

Чаман ичра қадам қўйсанг гулман узим,
Саҳар чоғи қулоғингда сайрай узим,
Кетар эрсанг еру-қукдан топай ўзим,
Пешонангга ёзилган шу муҳаббатман.

Кўклам келса кўнгил боғи кетар гуллаб
Сани эслаб қизил гулга қўяман лаб,
Соғинчимни эртак қилдим куйлаб-қуилаб.
Булбул бўлиб сайраётган муҳаббатман,
Пешонангга ёзилган шу муҳаббатман.

ЧИДОЛМАСМАН

Бу бошимда яна қанча
ситам борки билолмасман,
Сун петида қалқир тўе
олма қаби илолмасман.

Юрак бағрим пора қилди,
лолазорга айландим то,
Тоғу-тошлар ноласидан
кўзларимни юмолмасман.

Осмонимдан юлдуз ёғар,
ёғар қошимни остидан,
Лаблар куяр, лабга алам
бармоқ билан силлолмасман.

Дилим ёнар бу оташда ул
оташдоним куйдирар,
Жонимдан ортиқ суярман
унга қаҳр қилолмасман.

Ситамлара бу жон садқа деб
жон тутиб турар Дилбар,
Аммо васли ёлғонига
бундан ортиқ чидолмасман.

ИШҚИНГИЗДА

Бу дунё соғинчга бир бозор бўлди,
Кўнглимнинг топгани шу озор бўлди.

Интизорингизман бир қиё боқинг,
Ҳажрингизда ҳамма Сизга зор бўлди.

Наҳот кипригингиз тўсади мани,
Узун сочлар бугун сизга дор бўлди.

Суйиб олқишлайман мен ҳам шу замон,
Найлай қиё боқиш сизга ор бўлди.

Товонимда тўла ҳажр тикони,
Изингизда юрган йўлда хор бўлди.

Сиз қуёшдай балқинг яйрасин дилим,
Билмасангиз билинг, дил анор бўлди.

Сўзон дилим билан бош олиб кетдим,
Сизсиз бу дунёлар менга тор бўлди.

Бир бор бўлиб, бир йўқ бўлиб қоласиз
Ишқингизда Дилбар куйиб бор бўлди.

УНУТГУВЧИ

Унутгувчи ўшал раъно ўтда
ёнгувчи мендирман,
Ҳар лаҳзани остонада кутиб
жафога тенгдирман.

Юлдузларнинг савдосини,
ҳусндор ой ғавғосини,
Ишқ деган у танҳосини
дилда асраган сангдирман.

Кўнгилнинг гул боғларида,
гулга тутиб гул кўнглимни,

Булбулларни тилмоч қилиб,
яна аҳволи тангдирман.

Фироқидин забун холим,
ер бунчалар бўлди золим,
Ҳаловатдан асар йўқтур,
фироқ даштида сангирман.

Ибтидойим шул ўт эзур
интиҳойимдур кутмоқлик,
Мен утманки, сўзон дилға
оҳанги шўх жарангдирман.

Оёғи остида гардман,
бўлур бир кун бунинг акси,
Дилбар куйдирмоқ бобида,
оҳ устаси фарангдирман.

ЁР ТАМАННОСИ

Ае, жоним енар угда
куйдирди ер таманноси,
Лабларининг зарби бўлмиш
жаҳон бўлбулин савдоси.

Тушуб савдолари бошга,
яна келмиш алам қошга,
Кузим тулдирдику ешга
муҳаббатнинг бу сажроси.

Кутубдирман кеча-кундуз
висолидин умидвор дил,
Булиб келмиш қачон эй, воҳ
асл умримнинг маъноси.

Олиб дареву денгиздан
кўзим осмонида акси,
Танамда ут, кўнгил шоҳдир
тушиб ҳажрининг яғмоси.

Тилаб дийдори ошиқлик
учиб кукда самандардек,
Олиб тўрт фаслидин озор
мани гангитди ғавғоси.

Ҳакамлардан сурар эрсам,
деди куимоқ бир олий бахт,
У тақдири илоҳийнинг,
ошиқ кўнглига савғоси.

Ёнар дилга андин узга
одили ишқ йўқ оламда,
Анга мафтун яралгандир
Дилбарлар дилрабоси.

ДИЛЛАШДИМ

Ит тинади, тинар қушу-қумурсқа,
Менинг бошим чиқмас қайғу-юмушдан.
Кўнглим тўлиб-тўлмай ўтар турмушдек,
Кун кўрмаган аёлнинг бардошиман.

Гоҳида дарахтлар билан тиллашдим,
Бедилни ўқидим, қайта диллашдим.
Қайда кўнгли яра топдим бирлашдим,
Бу ғамли дунёнинг ғамли бошиман.

Сўзон дилим билан тилимни тишлаб,
Ҳайқириқ сасини баъзан хаспўшлаб,
Булбул овозини минг бора хушлаб,
Соғинчга тўкилган кўзнинг ёшиман.

Минг йиллаб чанқаган саҳроманки зор,
Гулоб сўрагани ор қиламан ор.
Бошимда Машрабдан қолган кўҳна дор,
Қуриётган сойнинг ташна тошиман.

Қилган ибодатим мени кўтариб,
Ишқим иморати гуллаб-кўкариб.
Элга итоатим қилдим ўткариб,
Турон аёлларин бир сирдошиман.

Бу ҳорғин йўлларда ҳоридим-кетдим,
Музлаган қор эдим зридим-кетдим,
Қадр кунимда Муродга етдим,
Болаларга боқинг кўзи қошиман.

ҚАЧОН

Кунларимнинг умри тугар гўё шам,
Бевафо лаҳзалар беради фириб.
Ухлай десам узун киприklarим нам,
Сўнг, соғинчларингиз келар бостириб.

Менман деганларга қарамай кетдим,
Сира ўхшатолмай сиёқингизга.
Бир умр, бир умр, бир Сизни Кутдим,
Қандайдир чидайман фироқингизга.

Менинг таъбим эди гулдана м нозик,
Сиз эса ҳамиша эдингиз хуштаъб.
Дилимга дунёни ишқини ёзиб,
Тақдир пешонамда чалади хуштак.

Бир гулдай эъзозлаб, суйиб кучдингиз,
Гулларга тўлдириб кучоқларимни.
Мен кўрмас томонга қараб учдингиз,
Ўтини ўчириб ўчоқларимни.

Деразадан кирса ўйноқи шамол,
Сиздан хабар дея ҳилпирар парда.
Қийнайсиз тушда ҳам кўрсатмай жамол,
Ўйғонаман Сизни кутиб саҳарда.

Бу дунё соғинчдан иборат экан,
Соғинчга берибман Сиз булбулимни.
Билмадим биз учун кўриш бормикан,
Таблага қулфладим дил дулдулимни.

Барглари тукилган дарахтлар мисол,
Румолим бошимдан сирғала бошлар.
Узуклар ечилар илоҳий тимсол,
Мен ечган жашин кўзли сиргада ёшлар.

Узуксиз бармоғим қолди яланғоч,
Уятдан қизариб тирноғигача.
Қачон, бўғотида сайрар қалдирғоч,
Қачон, кўнглим тошар қирғоғигача.

ЎТКИНЧИ

Дарахт учидаги япроқ бўлсанг ҳам,
Гўё сен ҳаммадан оппоқ бўлсанг ҳам,
Зўрлик бобида ҳам бир-тоқ бўлсанг ҳам,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Шоҳ Искандардай ҳам эмассан шаксиз,
Хусида Юсуфман демассан шаксиз,
Дунёга икки бор келмасдан шаксиз,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Сиртинг ялтироғу ичинг қалтироқ,
Қайси бир ҳолингга қиласан фироқ.
Сенинг иулингда ҳам турар пулсирот,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Нафсинг борар кундан-кунга каттариб,
Ҳисобин ололмас бозор агтори.

Гуноҳларнинг бўлмас бундан баттари
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

Бахт қуши ҳам нодон, асли ўткинчи,
Гар бошига қўнса шохдир ўтинчи,
Ўтинчидай бузма ҳамманинг тинчин,
Бу дунё ўткинчи, сен ҳам ўткинчи.

АЛМАШДИМ

Энди йигламайман нола қилмайман,
Синиққина кўнглим вола қилмайман.
Дардларимни тўкиб жола қилмайман,
Алвон куйлагимни ғамга алмашдим.

Ғанийлар иулимда бераверар панд,
Тойишимни кутар тик турсам ҳарчанд.
Аҳволимдан кулиб булолмас хурсанд,
Боримни тик турган дамга алмашдим.

Дунёдаги дили боилар яқиним,
Юлдузга чумилган ойлар яқиним,
Боғларни суллатган сойлар яқиним,
Бугун кўпларимни камга алмашдим.

Ўтар-кетарларга сира вақтим йўқ,
Мендан қарз сурманг шу дам нақдим йўқ,
Ўйнаб-кулмоқликка сира ҳаққим йўқ,
Барин қалам билан шамга алмашдим.

СЕНИНГ ЙЎЛИНГ

Сенинг йўлинг бошқадир,
сенинг йўлинг айри йўл,
Сенинг дилинг ғайридир,
юрар йўлинг ғайри йўл.

Итоатинг ёлғондир,
ибодатинг ҳам ёлғон,
Сенинг ҳийла найрангинг
ота-онангдан қолғон.

Шикоятинг кўп бунча,
юрагингда тугунча,
Ғийбатларинг тилингда,
чайналасан ўлгунча.

Сенга дуч келган борки,
ҳасратидан чанг чиқар,
Ҳар суҳбатингдан кейин
даҳанаки жанг чиқар.

Фақир учраса отда,
отида ҳам талайсан,
Бойнинг эшигидаги
ялоғини ялайсан.

Ўлгунча димоғингдан
қурт, кумурсқа тушади,
Боғингдан ҳам ўзингдай
зоғ, зағчалар учади.

Ўлганингда яқинлар,
хайрият деб тўкар ёш,
Сендан қочиб кетолмай,
ёрилади қабритош.

КЕТАРМАН

Мен бугун ҳузурингдан
караҳт бўлиб кетарман,
Шохлари синдирилган
дараҳт бўлиб кетарман,
Сенга дуч келмасликка
бир аҳд бўлиб кетарман,
Ҳақиқат йўлидаги бир
шаҳд бўлиб кетарман.

Кетарман айрилиқнинг
отларига мингашиб,
Мевали дараҳт каби
қаддим борар энгашиб,
Ғийбатчилар турарлар
мен ҳақимда кенгашиб,
Кетарман, ўлтирмайман
тенгсиз билан тенглашиб.

Сендан юққан гардларни
қоқиб кетиб бораман,
Аламларга дилингни
ёқиб кетиб бораман,

Сендан эски матоҳни
отиб кетиб бораман,
Музаффар кунларимга
шошиб етиб бораман.

УНУТИШ

Бугун Сизни эсламайман йўқ,
Бор вақтни ишларга бўламан,
Қишлоққа кетаман кунгил туқ,
Болалик завқига тўламан.

Хаёл қочар қочар Сиз томон,
Мен айтаман: хотирам ёмон,
Хаёлимни сақлаб соғ-омон,
Эс-ла-май-ман Сизни бу замон.

Вақт дегани бунчалар қайсар,
Кимга зарда қилади кимга?
Лат егандай оёғи оқсаб,
Сизни солар яна эсимга.

Шамолларга тутиб юзимни,
Қайта эсламайман унутаман боз.
Ранглар аро боққан кузимни,
Киприklarим тусарлар сарбоз.

Кузлар сотқин Сизни излайди,
Кетиб қолар бебош хаелим,
Қулоқларим сизни тинглайди,
Тилим Сизга асрайди бўлин.

Ҳожасини танимаган деб,
Танбеҳ берар дукурлаб юрак.
Бор вужудим узга берур зеб,
Билмам қандоқ чидамоқ керак.

ХАВОТИР

Дили мертик бола ўстирганим йўқ,
Арслоним деганман, қуен демасман.
Мен борманки, унга ҳеч ким урмас дўқ,
Жондай асрагайман, гирён қилмасман.

Бир кун келиб ўғлон шухратга ботар,
Шавкатли элимнинг шавкатин асраб.
Бугун қийинчилик азобин тортар,
Покиза юзига кетар лой сачраб.

Болам кетиб борар ташқари совуқ,
Кийган кийимлари нимдош, юпқароқ.
Тонгги дуоларим қилганча совут,
Тенгдошлари ичра тулиб, ярқираб.

Боламнинг уилари узи қаби соф,
Ҳозир яхшиликка дуч келаётир.
Дус-душманга доим тилайман инсоф,
Дилда адашмасин деган хавотир.

ВАТАН ДЕБ

Момоларим ҳидлаб мени хуш кўрар,
Боболарим учиб юрган қуш кўрар,
Болаларим бир кун келиб юрт сўрар,
Мен асов дарёман, кишанларим йўқ.

Хаёлда ўпаман кўкнинг тоқини,
Ва гулларнинг қизил, пушти, оқини,
Орзулаб силадим қуш қанотини,
Қушга айландиму, учолганим йўқ.

Яна алдайверар ошим еганлар,
У кун сўзларимга олқиш деганлар,
Сал ҳорисам шўрлик, бойқиш деганлар,
Алдамчи дунёда ишонганим йўқ.

Дардимни тоғдаги бир тошга ёздим,
Юрагимни кекса ё ёшга ёздим,
Дастурхондай шамол-бебошга ёздим,
Айтган сўзим борки, ҳеч тонганим йўқ.

Тоғлар бошин баланд кўтарар кўкка,
Мулки Турон деса тушаман чўкка,
Ўзимни ураман минг хил ўт-чўққа,
Барибир Ватан деб ёнолганим йўқ.

ЁДИМДА КЕТАР

Соғинчларим гулда, гиёҳда кетар,
Қоғозга ёзмасам сиёҳда кетар,
Ариқ бўйидаги қиёқда кетар,
Сенга айтолмаган гапимда кетар.

Ёмғир шивирيدا менинг овозим,
Шамол қанотида айтилди нозим,
Дардим кўтаролмай синмоқда созим,
Сендан сир тутганим хатимда кетар.

Настарин, райҳонлар бўйин изладим,
Изингни излаган менинг изларим,
Гувоҳлик беради дала-тузларим,
Сени ёдламаклик ёдимда кетар.

Билсанг мен ҳам асли замон зайлиман,
Умринг баҳор этган кўклам сайлиман,
Мажнунни бўзлатган ўша Лайлиман,
Сенинг ишқинг менинг додимда кетар.

Билмассан дунёга келдим ахтариб,
Бу дунё сенингиз бўладир ғариб,
Ёз, куз оловида япроқ сарғайиб,
Дилбар бону деган отимда кетар.

МАКТУБ

I

Дўстим, яшаяпман гуллар шаҳрида,
Гўзаллик дегани бу ерла мил-мил.
Тош шаҳарга кетиш аҳдида,
Мени уйғотади ҳар саҳар кунгил.

Шу гулларни шартта ташлаб кетолмай,
Кечикдим йўлларда қолдим ушланиб.
Тўрт фасл ҳисобин тугата олмай,
Шафқатсиз замонлар турар шодланиб.

Яна олислардан келади насим,
Қанотида олиб хушхабарларни,
Яна қўшилолмай туради насиб,
Чаманлар тутаяди мушк анбарларни.

Биламан бир куни шундай бўлади,
Гул ешимда гулга тўкким ёшларим.
Бу бебош гулларим бир кун сўлади,
Тош шаҳарда кутар содиқ тошларим.

II

Дустим, боролмадим яна алдадим,
Фақат Сизни эмас ўзим-ўзимни.
Дарахтдаи усади дилимда дардим,
Соғинчлар ювади ҳар кун юзимни.

Шавқатсиз оломон даврадош булиб,
Бир-бирларин кўзин чуқиладидилар.

Юрак ҳам қоларкан бeбардош бўлиб,
Кўзимдаги дардни ўқимайдилар.

Яхши-ёмонликлар кетар чалкашиб,
Баднафсга дедим, бўлди ҳей кичрай.
Дунёни ямлайди яна баднафс,
Майдалашиб кетдим, майдалар ичра.

III

Дўстим, балки бугун мотамсароман,
Кўйлагимни анча одмисин кийдим.
Ақли ноқислардан дили яроман,
Калхатнинг олдида тилимни тийдим.

Баҳоримдан кечдим, бердим ёзимни,
Сўз демай боримни кузларга тутдим.
Бировга айтмадим, кўнгил розимни,
Дардимни ҳам дала-тузларга тутдим.

Мен томон тош отиб, чапладилар лой,
Кўксимдаги ўтдан чақмоқ чақтирдим.
Юзларимга нурын тўкаверар ой,
Ойдек ярқирамоқ менинг тақдирим.

IV

Дўстим, тинчликми деб сўрайсиз яна,
Ҳа, дейман мингта ит таталаб ичим.
Ҳақиқат бир куни қилур тантана,
Ҳозирча мен жимман, ҳақиқат ҳам жим.

Сиртимда куламан кўнглингиз хушлаб,
Сипқориб ичганча ғам бодасини.

Синчалак осмонни тургандай ушлаб,
Соғиниб яхшилик шаббодасини.

Ичимга ютганим аламлар бир кун,
Ҳаққа етқаради, ҳақдор қилади.
Холиқ берган рисқим қийилмас бутун,
Иллоҳ душманганимни бедор қилади.

Бир кун топилади одил бир ҳакам,
Ҳозирча душманганим турар вангиллаб.
Дунёси соғрилар, топганлари гам,
Юз тубан ётади, юрак чангаллаб.

СОҒИНЧ

Наманганда юрсам хаёлим унда,
Юмушларим битмас, ишларим чала.
Айрилиқ бошимга тутади кунда,
Соғинчнинг қулиман бир йўла яна.

Бузила бошлайди ҳар қандай тартиб,
Лаҳза, дақиқалар имиллар бунча.
Кўзимнинг ёшини соғинчга артиб,
Тугила бошлайди яна тугунча.

Мен яна Машрабман яна йўлдаман,
Фарёди эрурман дунёйи-дунни.
Одамзот оёғи етмас чўлдаман,
Саҳроларда топдим Қайсни-жунунни.

Дарёлардан ўтдим, тоғлардан ошдим,
Машрабнинг кулоҳи бошимда мени.
Кимки ҳақ йўлида эргашдим, шошдим,
Севинчлар тўкилди ёшимда мени.

Жаҳоннинг дашти-ю, ёбонларида,
Илон, чаёнларинг мунча кўп ё раб?
Шунча нишу, тикан товонларида,
Намангандан кетган бечора Машраб.

ОНА МЕҲРИ

Онажоним жоним онам,
Менинг кўзу-қошим онам,
Меҳр тўла сойим онам,
Кўзимдаги ёшим онам.

Дуолари ижобатим,
Оллоҳимга итоатим,
Кўнглимдаги шижоатим,
Дилимдаги ойим онам.

Йўлларимда кутгувчимсиз,
Қўлларимдан тутгувчимсиз,
Дардим айтсам ютгувчимсиз,
Вафоларга бойим онам.

Фариштасиз, сариштасиз,
Уйимизга ярашгансиз.
Ойим онам, жоним онам,
Меҳри оқар сойим онам.

ОШИҚМИДИМ

Айтинг айрилиқ деб мен шошибмидим,
Ҳижрон довонидан мен ошибмидим.

Дилимда ҳаммадан пинҳон асрамай,
Ўзгалардан ошкор талошибмидим.

Ўз кўнглимни ўзим шодумон этиб,
Сизга аламларни қалошибмидим.

Кеча, бугун айтдим, эрта айтаман,
Исмингиз унутиб фаромушмидим.

Ишқингиз шароби этди мастона,
Бегона майидан ё тотибмидим.

Сизни демай Дилбар ҳеч тошибмидим,
Сизни куйламасдан мен ошиқмидим.

СЎНГ СЎЗ

Мунира Муҳаммадиева хотирасига

Ҳўқанди латифнинг латифи менман,
Мунираҳон Ҳотам, хотамий ўзим.
Яхшилик сўзининг котиби менман,
Минг хил тўзонлардан соф ўтган сўзим.

Қийин-қийин кезде қийилиб кетиб,
Қалдирғоч қаноти згилган менман.
Кўзимнинг ёшлари баримга етиб,
Ноҳақлик комида згилган менман.

Ҳеч кимга бермадим болаларимни,
Илмга интилдим нурга етдим мен.
Наргиза, Улуғбек ноаларимни,
Нодира, Шерзодим дилга битдим мен.

Уларни ўстирдим, тишимда тишлаб,
Кипригим сояси улар учундир.
Улар улғайдилар баримни ушлаб,
Уларнинг камоли душманга хундир.

Гулдай ўстирганим, гул фарзандларим,
Биламан, ҳок пойим ўпиб яшарлар.
Элимга хизматкор асал-қандларим,
Ватан тинчлигини асраб яшарлар.

Хўқанди латифнинг латифи менман...

ОГОҲ БЎЛИНГ

Бу йўллардан доно, нодон ўтади,
Бири ғамгин, бири шодон ўтади,
Турфа ниятлилар мудом ўтади,
Огоҳ бўлинг, дўстлар, огоҳ бўлинг.

Одамнинг олasi ичида агар,
Қилар иш, ниятинг юз тутса магар,

Ёмон яхши бўлмас бошдан қуйинг зар,
Огоҳ бўлинг, дўстим, огоҳ бўлинг.

Билиш осон қассоб қассоблигини,
Каззоб сир тутади каззоблигини,
Билинг, ёмон ҳамроҳ азоблигини,
Огоҳ бўлинг, дўстим, огоҳ бўлинг.

Ким яхши сўз деса ишонавердим,
Ҳижрон кўчасидан тиконлар тердим.
Дилни бу кун фақат Ватанга бердим,
Огоҳ бўлинг, дўстим, огоҳ бўлинг.

Ватан бизникидир сирмоғи билан,
Дарёлари, сойи, ирмоғи билан,
Кимлар келаётир қармоғи билан,
Огоҳ бўлинг, дўстим, огоҳ бўлинг.

Бизга тош отилса бағри қон Ватан.
Унга тош отилса, бизга бўлур тан,
Душман чиқмаса бас, бас ичимиздан,
Огоҳ бўлинг, дўстим, огоҳ бўлинг.

ЭҲТИЁТ

Илоннинг касбидир заҳар солмоқлик,
Чаённинг одати чақиб олмоқлик,
Ёмоннинг ҳар сўзи бўлар илмоқлик,
Яхшилар улардан бўлинг эҳтиёт.

Хайрон бўлманг, қандай замон бўлади,
Дунё талашганга тамом бўлади,
Ёмонликни юзи сомон бўлади,
Яхшилар унгача бўлинг эҳтиёт.

Ёнингиздан балки кулиб ўтади,
Ё ит каби ҳуриб, улыб ўтади,
Ё юзига парда илиб ўтади,
Яхшилар ҳар лаҳза бўлинг эҳтиёт.

ЁРИММИДИНГИЗ

Кўринмайсиз. Сиз ўзингиз бориммидингиз,
Ё бошимга эрта ёққан қориммидингиз.

Оҳ, дедиму кўкка боқиб, ёқамни тутдим,
Шоҳ Машрабдан қолган ўша дориммидингиз.

Айрилиқлар дарди қаддим эгиб юборса,
Ғамларимни елкалаган нориммидингиз.

Дарё кечдим, гулзорлардан ўтдим битталаб,
Кўп зор кўрдим, ўшалардай зориммидингиз.

Жон-жаҳоним тутди гўзал наволарингиз,
Юрагимда чалиб юрган ториммидингиз.

Дилбар айтар Сиз ўзингиз бориммидингиз,
Баҳоримни гулдай безанг ёриммидингиз.

ЯРАШГАН

Сиза бу оламда ёшлик ярашган,
Кўзи шахло, қалам қошлик ярашган.

Отингизки тупроқ кечмайгай асло,
Йўл бўлса ҳам фақат тошлик ярашган.

Бўйсунмайсиз асло биз айтган сўзга,
Қайсарликда фақат бошлик ярашган.

Ишқингизни минг, минг адолари кўп,
Сиза кўнгилларга шоҳлик ярашган.

Дилбар кулиб, кулиб айлади савол,
Биза наҳот кўзи ёшлик ярашган?

ХОСИЯТГА

Кўнғироқлар қилиб, қўлим чарчамас,
Қайта-қайта ўтар йўлим чарчамас,
Манглайимда саҳро, чўлим чарчамас,
Самарқандда қолган хаёлим бордир.

Боғлар надир, тоғдан ўтиб бораман,
Дарёларни кечиб, кечиб бораман,
Бир дўст учун жондан кечиб бораман,
Самарқандда жону-жаҳоним бордир.

Афросиёб менинг ҳайроним ўзинг,
Бибихоним дили вайроним ўзинг.
Хосиятим менинг сайроним ўзинг,
Самарқандда ёлғиз ниҳоним бордир.

Шоҳ Бобурнинг дилин нақши бор диёр,
Улугбек осмонин, сўнмас акси бор,
Темурий юртидан кетмагай баҳор,
Самарқандга дилим изҳори бордир.

Темур боғларида ўсган сулувлар,
Зарафшон бўйини қучган сулувлар.
Дилим қушларидай учмай туринглар,
Мусофирингизни бир зори бордир.



Ҳамон ўтман оёғимни дорда,
Қадамимни ўлчаб босмайман.
Хаёлларим олисда, ёрда,
Дарёман-у, бироқ тошмайман.

Ҳамон кулиб, йиглаб бораман,
Дунё чалар сибизгасини.
Юрагимни тиглаб бораман,
Гоҳ тиндириб булбул сасини.

Йиғлар эсам, кулдиран қуеш,
Бошдан сочиб бор зарларини.
Кулар эсам кетар бағри тош,
Хазон қилиб гулзорларимни.

Ҳамон ўтман, оёғим дорда.

НАМАНГАНЛИК

Наманганлик шахло кўзи сузукларим,
Қўлларимда тилла, кумуш узукларим,
Қалбларида муҳаббатдан тузукларим,
Кўкламойни соғинганим ўзингизми?

Наманганнинг дарёсида оққан гулим,
Сизни десам юрагимда меҳр лим-лим,
Ёр йўлида сайраётган шух булбулим,
Баҳоржонни кутган кўзлар, кўзингизми?

Наманганлик опаларим-сингилларим,
Сизсиз дунё бўлар эди кўнгли ярим,
Дунёларга алишмаган тилла-зарим,
Дил эритган ширин-ширин сўзингизми?

Узун, узун қишлардан ҳам чиқдик омон,
Шамоллашу, совқотишлар энди тамом,
Сумалаклар қайнаётган бизнинг замон,
Сал қадди дол онажоним ўзингизми?

Наманганлик шахло кўзи сузукларим,
Қўлларимда тилла, кумуш узукларим,
Қалбларида муҳаббатдан тузукларим,
Кўкламойни соғинганим ўзингизми?

ЯНГИ ЙИЛ АЛЁРИ

Арчаларим қордан оппоқ либос кийди,
Тоглар ичра она кийик яна ийди,
Сор бургутим осмон узра яна бийдир,
Табиатга дилдош бўлиб кел янги йил.

Қўрқоқ бола ватан учун бўлур горат,
Зилзилага дош бермайди бўш иморат,
Яхшиликдир тарбияга бир ишорат,
Яхшиларга йўлдош бўлиб кел янги йил.

Қамчи зарбин тиламасин от қуйруғи,
Қўлларингда бўлсин фақат бахт уруғи,
Омад ҳақда бўлсин сенинг бор буйруғинг,
Ёшлар ичра қурдош бўлиб кел янги йил.

Йиқилганга суянч бўлиб, қувват бўлиб,
Адашганга бахт, иқболдан суврат бўлиб,
Қадрсизга қадрдонлик, қудрат бўлиб,
Бардошсизга бардош бўлиб кел янги йил.

Эски йилим кетиб борар тарих бўлиб,
Соғинчларим сочилдилар тариқ бўлиб,
Кўнглим турар аламлардан фориқ бўлиб,
Садоқатга сирдош бўлиб кел янги йил.

Байрамларим ичра сенсан сен бошқача,
Сени кутар етти ёшдан етмиш ёшгача,

Шодлик униб, улгайсин ол қуёшгача,
Яхшиликка қўлдош бўлиб кел янги йил.

Дунё бўйлаб урушларнинг оти ўчсин,
Ёмонлардан из қолмасин зоти ўчсин,
Кутаяпмиз қувончларнинг тоти учун,
Тинчлик билан юртдош бўлиб кел янги йил.

Менинг кекса онам ҳаққи, отам ҳаққи,
Оққан дарё оқаверар айтиб, қалқиб,
Муруватли бўлиб келган ўзбек халқи
Муруватнинг булоғини оч янги йил,
Меҳрларга тўлиб тошиб кел янги йил.

ШАҲАНД

Сирдарёнинг гулдираши яқин, яқин,
Синиқ, синиқ кўнгилларда чалиб чақин,
Битта ишқки ҳижронларнинг берар ҳақин,
Юрагимга гул исини солдинг Шаҳанд.

Бундан ўтган Бобур Мирзо от ўйнатиб,
Овга чиқса гоҳ қирғовул, тулки отиб,
Илк газалин шунда битган қиз бўйлатиб,
Ахсига гул оқизишдан тондинг Шаҳанд.

Эли жўмард, меҳмоннавоз экан бунча,
Ҳавоси соз, боғи эрам экан бунча,
Ҳалволари ширин-шакар экан бунча,
Ширинликда элга машҳур бўлдинг Шаҳанд.

Хуш келбатли йигитлари мард бўлади,
Сулувлари оналикка шарт бўлади,
Кимки келса ишқ дардига ғарқ бўлади,
Эртаю кеч хаёлимни олдинг Шаҳанд.

Жарчиларим жар солингиз бор овозда,
Хаёлларим бири ўрдак, бири ғозда,
Муғаннийим чалиб айтинг гўзал созда,
Мингта дардга даво бўлдинг, жоним Шаҳанд.

НЕЧАДА ЁШИНГ?

Наманганнинг ярмига тенг Поп,
Наманганнинг тўнига енг Поп,
Теграсидай кўнгли ҳам кенг Поп,
Кентлар ичра қадимий кент Поп.

Нечада ёшинг?

Яйловида ўтлайди той Поп,
Попук-попук қизлари ой Поп,
Юрагидан ўтади сой Поп,
Қозонию чўмичи мой Поп.

Нечада ёшинг?

Қилар ишни даст қилган Поп,
Ғаним қўлин паст қилган Поп,
Хитойни ҳам маст қилган Поп,
Яхшилика қаст қилган Поп.

Нечада ёшинг?

Фозиллардан сўрайвергин Поп,
Ёшингни айтсинлар бобма-боб,
Неча минглар этарлар хитоб,
Офтобдай кўз олаётган Поп.

Нечада ёшинг?

ТИЛАК

Ҳидладим унутдим сарғайибди оҳ,
Умри калта гулим тўкилди ногоҳ,
Суянчим, дўстларим бўлингиз огоҳ,
Ҳеч ким тўкилмасин қаторимиздан.

Тўкилса дарахтдан мева тўкилсин,
Осмон этак йиртиб, шабнам тўкилсин,
Ҳар куз майли барги хазон тўкилсин,
Бевақт тўкилманг дўст, қаторимиздан.

Меҳр бизга мерос одам атодан,
Мурувват қолгандир момо ҳаводан,
Муҳаббат тўкилур қўшиқ, наводан,
Ҳеч ким тўкилмасин қаторимиздан.

Худодан сўрайман эрта-кеч ёниб,
Онамни асрагин яшай инониб,
Бу яримта кўнглим меҳрига қониб,
Ҳеч ким тўкилмасин қаторимиздан.

ҚАЙДА ЭДИНГИЗ?

Кунлар саноғида адашдим, кетдим,
Ҳижрон ҳузурида ойлар чалкашди,
Йиллар ҳисобида мен яна шошдим,
Сиз қайда эдингиз?

Кўкдан олиб берар ойингиз ҳайрон,
Тоғларнинг бошида туради жайрон,
Йиллар ҳисобида мен яна бийрон,
Сиз қайда эдингиз?

Кўзим ёшга тўлди, ёш бўлди кўксим,
Сўзсиз яшайвердим ўксиниб, ўксиб,
Бошим тошга тегди, тош бўлди кўксим,
Сиз қайда эдингиз?

ДАРАХТНИ СИЛКИТСАК...

(Йигит айтар сўз)

Дарахтни силкитсак, қизлар тўкилгай,
Аммо, дил тўрида ойим ўзингиз,
Ҳаёт қизиқ, кимдир тутар бизга май,
Аммо, ўй-ҳаёлим доим ўзингиз.

Бу ёруғ жаҳонда гўзаллар кўпдир,
Ип эшолмас алар қошларингизда.
Сизнинг хаёлингиз менчун гиркўкдир,
Минг бор фидоман кўз, қошларингизга.

Баҳорни соғиндим ёзлар ичинда,
Сиз-баҳор саломга олмайсиз алик.
Телба деб куласиз нозлар ичинди,
Сиздан бизга мерос фақат телбалик.

Дарахтни силкитсак, қизлар тўкилгай,
Сиз деб кўнгил чоки ҳануз сўкилгай...

САЛОМАТ БЎЛ

Ёмонликни нафи бўлмас,
Яхшиликка иноят бўл,
Бир кун ҳеч ким кафил бўлмас,
Ўз қалбингга ҳидоят бўл.

Бу умрнинг йўлларида
Камтаринга шижоат бўл.
Шоҳ Искандар қўлларидай,
Очиқ қўлга ижозат бўл.

Дунёни сув босса агар,
Хайрон турма, риоят бўл,
Бошингга тош ёғса агар,
Сабрли бўл, кифоят бўл.

Дунё ишқи ҳалок қилар,
Ўз нафсингга қаноат бўл.
Сен қарғовдинг дуо қилай,
Эл қатори саломат бўл!

ЎЗБЕКЛИГИНГДАН

Меҳнатга қорилган бор зуваласи,
Меҳрдан яралган элнинг боласи,
Тунни адаштирар қошин қораси,
Ўзим айланайин ўзбеклигингдан.

Соддалар ичида энг содда ўзинг,
Меҳнат дарсларида Фарҳодда ўзинг,
Пиёдалар ичра ғиротда ўзинг,
Мағрур яша, ўғлим ўз беклигингдан.

Тўрт тараф тоғларки, тоғларга суюн,
Гулзорлар бир ёну, боғларки бир ён,
Жаннат шунда деган сўзларга инон,
Мағрур яша, ўғлим ўзбеклигингдан.

Дала, дашт сеники, осмон сеники,
Бугдойинг сеники, сомон сеники,
Сарҳадлар сеники, замон сеники,
Айланайлик болам, ўз беклигингдан.

БУ ДУНЁ

Бу дунё бозордир, бу дунё гардкам,
Бозорга салади ҳар ким молини.
Молин ёмон дея айтгувчи мард кам,
Мискин яширади ғариб ҳолини.

Бу дунё аслида ҳаммамизники,
Зиёдини бериб, камин оламиз.
Бозорларнинг тўри бетамизники,
Пойгакроқда тамиз билан қоламиз.

ШАҲАНДЛИК ҚИЗ

(Қўшиқ)

Битта қиз бор кўзи сузук,
Бармоғида тилла узук,
Сувдан ўтдим аста сузиб,
Зор қилдинг-ку, шаҳандлик қиз.

Қошларида ўсмаси бор,
Белларида тасмаси бор,
Овозида гул саси бор,
Шаҳандлик қиз, шаҳандлик қиз.

Пари десам паризоддир,
Муҳаббатдан ул озордир,
Кеча-кундуз дилда ёддур,
Шаҳандлик қиз, шаҳандлик қиз.

Мис кўзадан сув тўкилар,
Этакларин ўпар дарё,
Юрак чоки ҳам сўкилар,
Бизга боқинг шаҳандлик қиз.

Кўйлаги оқ жонона қиз,
Тишлари дур афсона қиз,
Бу кўнгилга фасона қиз,
Зор қилманг ҳей, шаҳандлик қиз.

Ерни босса гул унади,
Севишимни ҳам билади,
Гапимга бир кун кўнади,
Шаҳандлик қиз, шаҳандлик қиз.

НАМАНГАНЛИК НОЗАНИН ҚИЗ

(Қўшиқ)

Бошида тугунчаси бор,
Лабларида гунчаси бор,
Изларида юрар баҳор,
Наманганлик нозанин қиз.

Йўлларида сойлар оқар,
Қанча-қанча бойлар боқар,
Кўрсам кўзда чақмоқ чақар,
Наманганлик нозанин қиз.

Момосидир офтобойим,
Онасидир бир мулойим,
Кўнглимдаги ишқим, сойим
Наманганлик нозанин қиз.

Кўйлаклари атлас, шойи,
Бари қиздан ҳам чиройли,
Осмондаги тўлин ойим,
Наманганлик нозанин қиз.

Ўғлимга она бўлсайди,
Менга парвона бўлсайди,
Давру-даврона бўлсайди,
Наманганлик нозанин қиз.

ОМОН БЎЛСА

Омонулла акага

Ҳар чаманга, ҳар гиёҳга,
меҳрибон бир замон бўлса,
Ўзбекистоннинг боғлари
сиздай боғбонга кон бўлса.

Гўзалликлар диёри дил,
унга ошноликлар истар,
Бу юртимда Сизнинг каби,
йигит қоши камон бўлса.

Дўстим десанг, оғам десанг,
шоҳи белбоғли ёр десанг,
Хузурингда кулиб турган
Сиздай бир жонажон бўлса.

Ҳамма арзу қилар эрди,
дили шодликларга тўлиб,
Бир йигит шунча шуҳрат,
яна шундай ошён бўлса.

Сиз чин дўстсиз, садоқату,
вафо бобида танҳосиз,
Элдан олдин ҳол сўргайсиз,
дўстнинг ҳоли ёмон бўлса.

Икки бешга яна бешлар
йўлдош юргай дейди Дилбар,
Бобур юрти кўп гуллагай,
таваллуди омон бўлса.

Баҳорни соғинсам ёғди дўл, ёмғир,
Кўзимга лиммо-лим ёшни бердилар.
Бошим айланганда малҳам деб чоғир,
Гулга қўл узатсам тошни бердилар.

Севги деб инонсам айрилиқ барҳақ,
Хиёнат гуллари бирам гуллади.
Фарёд урсам, бунча дунё деб ноҳақ,
Дўстим сирларимни бир-бир пуллади.

Аламу-ситамдан бу дилим яра,
Булбуллар ёд этур тонг фиғонимдан.
Аҳли содиқларим топмас қарқара,
Бедардлар ўтарлар, ҳар он ёнимдан.

Тонг деб кутган чоғим, келаверар шом,
Висолнинг ўрнига тутганча зорлик.
Бошимда тутганим омонат бу том,
Зилзилалар билан қилар гуфторлик.

Душман ўқларидан елкаларим чок,
«Мен-сен»га ўтмоғим гумон «сиз»ликдан.
Қодир Оллоҳ, дилим ҳузурингда пок,
Ўзинг асрагайсан иймонсизликдан.

МУНДАРИЖА

Наманган мадҳи.....	3
Шоир учун.....	4
Янги йил кўшиғи.....	5
Итоатдир.....	6
Кўлимга.....	7
Давлатимсиз онамжон.....	8
Менинг онам.....	9
Она.....	10
Сўнги қалам.....	11
«Душманнинг ўқи тегди бехато».....	12
«Сиздай бойликка ўч бўлолмадим йўқ».....	13
Аҳд.....	14
Сайёрага.....	14
Бахтиёрга.....	15
Оҳи онамни кўрдим.....	16
Тургун Алиматнинг бармоғи.....	17
Танбур.....	17
«Кўзим ёши тиниб бўлди».....	18
«Мен аниқ биламан энди келмассиз».....	19
Ҳайронлик.....	19
Бу ишқ.....	20
Қайрилсангиз.....	21
Осмон.....	22
Яна.....	22
Тўзим.....	24
Муҳаббат.....	25
Чидолмасман.....	25
Ишқингизда.....	26
Унутгувчи.....	27
Ёр таманноси.....	28
Диллашдим.....	30
Қачон.....	31

Ўткинчи.....	32
Алмашдим.....	33
Сенинг йўлинг.....	34
Кетарман.....	35
Унутиш.....	36
Хавотир.....	37
Ватан деб.....	38
Ёдимда кетар.....	39
Мактуб.....	40
Согинч.....	42
«Мен яна Машрабман яна йўлдаман».....	42
Она меҳри.....	43
Ошиқмидим.....	44
Сўнг сўз.....	44
Огоҳ бўлинг.....	45
Эҳтиёт.....	46
Ёриммидингиз.....	47
Ярашган.....	48
Хосиятга.....	48
«Ҳамон ўтман оёғим дорда».....	49
Наманганлик.....	50
Янги йил алёри.....	51
Шаҳанд.....	52
Нечада ёшинг?.....	53
Тилак.....	54
Қайда эдингиз?.....	55
Дарахтни силкитсак.....	55
Саломат бўл.....	56
Ўзбеклигингдан.....	57
Бу дунё.....	57
Шаҳандлик қиз.....	58
Наманганлик нозанин қиз.....	59
Омон бўлса.....	60
«Баҳорни согинсам ёғди дўл, ёмғир».....	61

Дилбар Ҳайдарова

КЎНГИЛ БОҒИ

Шеърлар

Мухаррир: Дилором Камол

Мусаввир: Т.Сайдуллаев

Техмуҳаррир: Н.Жабборов

Мусаҳҳиҳ: Улуғ Бек

25. 04. 2005 йилда теришга берилди. Босишга 26
05.2005 йилда берилди. Бичими 60x84. Олий навли
босмахона қоғози. 2,0 босма табақ. Адади 5000
нусха. 2370—буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

*«Зарқалам» нашриёти
(Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.)*

*Ибрат номли босмахона (Наманган шаҳри, Навоий
кўчаси, 36.) да чоп этилди.*